


Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 3 февраль, № 23 (3568) ● Пайшанба



Бу йил қиш-қишлигини қилди: қор ҳам, ёмғир ҳам мўл бўлди. Кечаги ёмғир эса ердаги бор қорни ҳам ювиб кетгач, бирдан табиатда жонланши пайдо бўлди — баҳор нафаси уфура бошлади.

Боғлар баракаси боғбондан



Рашид ГАЛИМОВ олган суратлар.

Бундай ўзгаришни Отамирза ака биринчилар қаторида сезиб, ток қайчини қулига олдию, боғ оралашга тушди.

Сабаби, Отамирза Боймирзаев — боғбон. Анча йилдан буён у Турақургон туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигида 6,7 гектар боғни ижарага олиб, мўл мева ва узум етиштириб келмоқда. Ҳаётнинг ачиқ-чучуқини тотган, тер тукиб барака топган пири бадавлат отахон фарзандлари, набираларини меҳнатга, табиатга муҳаббат руҳида тарбияламоқда.

Айни кунларда Отамирза ака фарзандлари билан бирга ариқ-зовурларни тартибга келтирмоқда, мевали дарахтларга шакл бермоқда, маҳаллий ўғит жамгармоқда. Ахир, боққа қарасанг, ҳар бир дарахтни меҳр билан парвариш қилсанг, у сен кутган ҳосилни беради-да.

СУРАТДА: боғбон Отамирза Боймирзаев невараси Ҳожиакбар билан.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Инсоннинг ҳаёти, қадр-қиммати,
ҳуқуқ ва эркинлигидир

ИНСОН бу дунёда қанчадан-қанча неъматлардан баҳраманд бўлиб яшайди. Ҳар бирининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Лекин, она-юрт меҳри, Ватан муҳаббати ана шу неъматлар ичида алоҳида ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида биз ўз Ватанимизни қайтадан топдик, уни янгитдан кашф қилдик. Ватанимиз тимсолида олис ва яқин тарихимизни, миллий қадриятларимизни, ўзгичмизни, аждодларимизни танидик, биз аслида ким, қандай улуг зотларнинг авлоди эканимизни чуқур ҳис этиб, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, бошимизни баян қўтариб яшайдиган бўлдик.

Юртимизда тарихан қисқа муддатда қанчадан-қанча ишлар амалга оширилди. Шулар қаторида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш бўйича қилинган амалий чора-тадбирлар айниқса қувонарлиқдир.

Юртимизда Ватанимиз озодлиги биз қандай ҳуқуқий тизим яратишимизга, жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришишга боғлиқ эканини назарда тутиб, истиқлолнинг илк йилларидаёқ «Мустақиллик — ҳуқуқ демократия» деган фикрни айтган эди. Ислохотлар натижалари тобора ортиб бораётган сари бу иборанинг маъно-маъмуни янада кучайиб, тараққийлаётган бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир шахс қонунлар ва меъри ҳужжатлардан қанчалик яхши хабардор бўлса, ўз ҳақ-ҳуқуқини шунчалик яхши билади, уларга сўзсиз итоат қилиб яшайди. Биз бугун айнан ана шундай мақсад билан яшамоқдамиз.


Ҳолбуки, собиқ мустабид тузум даврида халқимиз оддийгина ҳуқуқий тушунчалардан ҳам беҳабар эди. Чунки «қизил империя»га ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаган, оқдан қорани ажарата оладиган, эркин ва дадил фикрлайдиган кишилар эмас, балки ҳар қандай буйруқ ва кўрсатмани адо этишга шай туррадиган чаласавод, қарам одамлар керак эди. Шу боис ҳам собиқ иттифоқ ҳудудида, айниқса, унинг мустақиллашган ўлкаларида ҳуқуқий мавзудаги адабиётларнинг «қелиб қолмаслиги» қаттиқ назорат қилинарди. Дунёнинг қўллаб-қувватлагани қайта-қайта нашр этилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ўша йилларда Ўзбекистонда бирор марта ҳам чоп этилмагани фикримизнинг яққол далилидир.

Юртимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ислохотларни босқичма-босқич, қадам-қадам амалга ошириш йўлини танлади. Бу йўл ўтган давр мобайнида ўзини тула оқлагани ва шу боис бугунги кунда мамлакатимиз кўзлаган мақсадлари сари қатъий билан бораётгани кўпчиликка яхши маълум. Мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг қуни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг йўл мажлисидаги маърузасини тинглаб, бу ҳақиқат яна бир бор амин бўлдик. Маърузада Юртимизимиз демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёни ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оқшамай, илчил ва собиқ-қадимлик билан бориш Ўзбекистон учун бундан буён ҳам асосий стратегия вазифи бўлиб қолажани алоҳида таъкидлагани. Президентимизнинг

(Давоми 2-бетда).

«Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий унитар республика Президенти Ислом Каримовнинг «Независимая газета» муҳбири саволларига жавобларини «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» деган сарлавҳа остида рисола тарзида чоп этди.



Президентимиз Грузия ва Украинада сўнги пайтларда содир бўлган воқеалар хусусида ўз нуктаи назарини баён этиб, ҳар ким демократик янгилашни, фуқаролик жамиятини қуриш йўлини ўзига хос йўсинда босиб ўтишини алоҳида таъкидлади. «Биз, — деб қайд этди давлатимиз раҳбари, — халқ ҳокимияти бўлиши демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга сўзсиз риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларимизни халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб боришимиз керак».

Рисолада доимий равишда фаолият юритадиган икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар тўғрисида ҳам алоҳида сўз юритилди. «Доимий равишда фаолият юритадиган профессионал парламентнинг шакллантирилиши шунинг кўрсаткичи, — деб таъкидлади Юртимизимиз давлати ислоҳ қилишда биз етилиб келаётган ва давр илгари суратдан ўзгаришлар жараёнининг қонунчилик асосига принципиал аҳамият беряпти. Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги кунда мамлакатимизда парламент тимсолида шундай бир воқеа яратилмоқдаки, биз унинг ёрдамида халқ ҳокимиятини, фуқаролик жамияти асосларини сезиларли даражада мустаҳкамлаш олиш имконияти ишончим комил».

Президентимизнинг қайд этганича, янги парламент олдида турган энг долзарб вазифа — ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қиладиган муқаммал қонунларни яратишдир. Бу мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишда муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг рисоласи мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат ва жамият қурилиши соҳасида, суд-ҳуқуқ тизимида, иқтисодиёт тармоқларида, таълим ва маънавиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тегаран очиб берилганлиги билан ҳам қимматлидир.

Шу билан бирга, Президентимиз Марказий Осий минтақаси, Мустақил Давлатлар Ҳаммуносафаси доирасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни, халқаро миқёсдаги сиёсий воқеаларни гўяда теран таҳлил этган. Халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратган.

Рисола ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада чоп этилди.

(ЎЗА).


Жойлардан хабарлар

Мақсад — тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш

Хўжаобод туманидаги «Хожимурод» савдо ишлаб чиқариш фирмасининг бир кеча-кундузда беш минг погонаметр гача маҳсулот тайёрлайдиган тўқув фабрикаси ишга тушганлиги ҳақида «Туркистон-пресс» муҳбири К. Низомов хабар қилди.

Ижодкор ўқувчилар

Гулистон шаҳридаги Хамид Олимов номи 3-ўрта мактаб бошқа мактаблардан фақат биргина ҳижрати билан ажралиб туради. Мазкур мактабда бошқа фанлар билан бир қаторда журналистиканинг сир-асрорлари ҳам алоҳида фан сифатида ўқитилди.



Мақола ва лавҳалар ёзишга қизиққан ўқувчиларнинг масҳлари бугунги кунда шаҳар ва вилоят газеталарида мунтазам ёритиб борилаётган. Севара Эгамқулова, Матлуба Мирсаидова, Шаҳноза Гофурова, Барно Умарқулова ва сингари аълочи ўқувчиларнинг иш-шарилари аллақачон газеталарга ташриф улуғланган.

Табиий маҳсулотлардан шарбат

Бугун дунё ахлининг табиий маҳсулотларга эҳтиёжи катта. Улар жаҳон бозорида харидордир. Пойтахтимизнинг Сирғали туманида табиий маҳсулотлардан мева шарбати ишлаб чиқариш «InterSok» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ишга тушди.

Корхонада етиштирилган маҳсулотлар Россиянинг «Лебедянский» ошқ ақциядорлик жамияти билан ҳамкорликда «Фруктовый сад» савдо белгиси билан чиқмоқда.

«Халқ сўзи» назоратида Газ таъминоти яхшиланади

Швециянинг «Тетрапак» фирмасининг асбоб-ускуналари ўрнатилган мазкур корхонада олма, ўрик, шафтоли, олча каби мевалардан 9 турдаги шарбат ишлаб чиқарилади. Қўшма корхона бир йилда 20 миллион литрдан ортиқ мева шарбати тайёрлаш имкониятига эга.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

М. ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Шу билан бирга, бу ишларнинг ба-жарилиши юзасидан тегишли курсатмалар берилиб, уларнинг ижроси вилоят ҳокимлиги қотибятиги томонидан доимий назоратга олинган. Бугунги кунда вилоятда табиий газдан фойдаланувчи 982 нафар қонуний истеъмолчи аниқланиб, келтирилган 36170,4 минг сўмлик зарарнинг 26679,3 минг сўми ундирилган. Табиий газдан қонуний фойдаланаётган 4048 нафар истеъмолчи рўйхатга олинди, 2689 таси билан маҳсул шартномалар тузилган ва бу борадagi ишлар давом эттирилиши режалаштирилган.

Жаҳон 24 соат ичида

ЕҲХТни ислоҳ қилиш йўлида

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти раҳбари ва Словения ташкилотидан вазир Димитрий Рупел россиялик ҳаммаси Сергей Лавров билан бирга Москвада ЕҲХТнинг ҳозирги аҳоли ҳамда ташкилотни ислоҳ қилиш бўйича бир қатор масалаларни муҳокама қилишди.

Сергей Лавровнинг фикрича, сўнги пайтларда ЕҲХТ фақат инсон ҳуқуқларида катта эътибор қаратмоқда, бироқ хавфсизлик ва халқаро терроризмга қарши курашиш масалалари ташкилот назаридан четда қолиб кетаяпти. Тарафларнинг сўзларига қараганда, ташкилотни ислоҳ қилиш бўйича икки томон фикрлари бир-бирига муносиб келган.

Террорчи қўлга олинди

Брюсселда марокашлик бир фуқаро қўлга олинди. У Испания ҳукумати томонидан Мадридда амалга оширилган кўпурвчиликларга алоқадорликда гумон қилиниб, қидирлаётган эди. Бельгия прокуратураси берган маълумотда айтилишича, 28 ёшли Юсуф Белхадж «Ал-Қоиданинг Европадаги вакили сифатида» ҳаракат қилган.

ганда, биринчи навбатда, Мудофаа вазирлигида фаолият юритаётган 10 минг нафар фуқаронинг иш ўринлари қисқартирилади.

Музокараларда жонланши

Фаластин мухторияти етакчиси Махмуд Аббос Туркияга қилган расмий ташрифи чоғида Исроил билан тинчлик борасида ўтказилаётган музокара-ларда жоний ўзгаришлар бўлаётганини маълум қилди.

Айни пайтда Фаластин ва Исроил хавфсизлик қўшартирилган алоқалар йўлга қўйилди. Исроил Мудофаа вазирлиги Шайх Мофаз Фазо секторидagi яхши аҳоли пунктларига террорчи гуруҳлар тарафидан уюштирилаётган ҳужумлар зудлик билан тўхтатилиши-ни талаб қилди.

Клинтон маҳсуе Вакул

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан АҚШ-нинг собиқ президенти Билл Клинтон-ни Жануби-Шарқий Осий давлатлари-да қунами талофотларини бартараф-этиш бўйича ўзининг маҳсуе вакили этиб тайинлади.



Энциликда Билл Клинтон Ҳинд океани ҳавзаси мамлакатларига халқаро ташкилотлардан курсатилаётган инсонпарвар-лик ёрдамларини мувофиқлаштириб-борди. Бундан ташқари, у Индонезиянинг Ачех музофотидаги ва Шри-Ланкадаги зиддиятларни ҳам тартибга солиш билан шуғулланади. Клинтон бир ойдан сўнг ўзининг янги вазифасини бажаришга киришади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш борасидаги фикр-мулоҳазалари, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар ҳодимлари олдига қўйган юксак талаблар суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқишнинг таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини ҳамда давлатимизнинг диққат-эътиборини маърузада бўлиб келадиган устувор йўналишлардан бири эканини яна бир бор тасдиқлади.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатда суд ҳокимияти адолат ва қонун устуворлигининг муҳим шарти сифатида катта ўрин ҳамда таъсирга эга. Шунинг учун ҳам бундай мамлакатларда фуқаролар судни ўз ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси деб билади. Ана шу олий мақсадга эришиш ниятида кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан суд тизимида чўқур ислохотлар ўтказилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги Фармонида бироқ судлар ишига — фуқаролар ва иккинчи ишлари бўйича судларга бўлиб, яъни иқтисослашган эди. Зикр этилган маърузада суднинг ролини ошириш тўғрисидаги, хусусан, «Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш» ҳақидаги фикрлар, нафақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигини, балки инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу, албатта, бежиз эмас. Жамиятда адолат қарор топиши учун курашишни ўз фаолиятининг асосий маъно-мазмуни деб билган ва буни доимо амалда намойён этиб келадиган Ислам Каримов Қашқадарё вилоятида ишлаган, ҳали мустақил мафкура ҳукмрон бўлиб турган даврдаёқ ноҳақ жабрланган қанчадан-қанча юртдошларимизни қатъият ва жасорат билан ҳимоя қилгани, собиқ

марказ томонидан бўлган таҳдидларга қарамай, авваламбор оддий одамлар манфаатини кўзлаб иш олиб боргани адолат ва қонун устуворлиги масаласи ўша пайтларда ҳам унинг учун бош мақсадлардан бири бўлганини кўрсатади.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки кунларида бошлаб мамлакатимиз қонунчилигида амалга оширилган қатор

миятда адолатга, қонунчиликка, суд ҳокимиятига бўлган ишончини сусайтиради. Энг ёмони, суд ўлим жазоси белгилашда хатога йўл қўядиган бўлса, уни ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. Бундай аччиқ ва дахшатли сабоқларни собиқ СССР даврида халқимизнинг ўлимга маҳкум этилган не-не асл фарзандлари тақдирини мисолида кўриш мумкин. Жумладан, ҳеч қандай

алоҳида ажралиб туради. Шу муносабат билан илгари амалда бўлган, шўро қонунчилигида ўлим жазосини бериш назарда тутилган ҳолатларни эслаб ўтайлик. Булар: жосуслик, ватанга хиёнат қилиш, террористик акт, чет эл давлат вақилига қарши террористик акт, қўрувчилик, давлатга қарши алоҳида хавфли жиноят, бошқа меҳнатқашлар давлатга қарши содир этил-

қайд этди давлатимиз раҳбари, — ушбу масала етилиб келмоқда ва уни ҳал қилиш лозим».

Шу ўринда нега биз ўлим жазосидан узиқ-қесил воз кечмай, бу мақсад босқинча-босқинча эришиш йўлини танладик, деган савол туғилиши табиий. Президентимиз қарор қабул қилишда ҳеч қачон шоша-шошарликка йўл қўймайлик, авваламбор унинг оқибатларини халқимиз, оддий одамлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва шундан кейингина аниқ бир қарор қабул қилиш лозимлигини доимо ўқтириб келди. Бинобарин, жиноят ва жазо билан боғлиқ қонунчилигимиздан ўлим жазосини батамом олиб ташлаш жараёнида аҳоли ўртасида ҳар бир инсон ҳаётига бир марта келиши, уни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш фақат Оллоҳнинг ихтиёрида эканини тушунтириш бўйича кенг тарғиб-бот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозим бўлади. Биз кимларгадир ёкиш учун эмас, балки ўзимизга энг тўғри ва энг мақбул бўлган, миллий мафкураимизнинг инсонпарварлик тамойилларига тўлиқ жавоб бергани учун ҳам шундай йўл тутмоқчимиз. Чунки

Конституцияимизнинг 24-моддасида белгилаб қўйилган «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир» деган қоида замирида ҳам шундай мақсадга эришиш назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтишда бўлса, Президентимизнинг маърузасида шу юртда туғилиб, шу заминга меҳнат сингган ҳар бир инсоннинг манфаати, тинчлик-осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган суд-хуқуқ тизимидаги ислохотларни изчил давом эттириш бўйича олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳар томонлама асослаб берилгани фойда муҳим аҳамиятга эга. Чунки барча соҳаларда қонун устуворлигига эришиш кўп хижатдан ана шу тизимнинг самарали фаолият юритишга боғлиқ эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Сирожиддин РАУПОВ, ҳуқуқшунос-журналист.

Чўлдаги ниҳоллар

Сирдарё вилояти ҳокимлиги шу йилнинг бошида Катта Ўзбек тракти ва бошқа асосий йўллар атрофини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Бундан кўзланган мақсад нафақат йирик магистрал йўллар атрофи, балки туман, шаҳарлар, шунингдек, қишлоқларни ободонлаштириш, минглаб дарахт ниҳоллари ва гул кўчатлари ўтказишдан иборат.


Орадан кўп ўтмай биргина Гулистон шаҳрининг ўзида ўн минг тупга яқин арча ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди. Фақат фермер хўжалиқлари ташаббуси билан ҳозирги кунгача вилоят ҳудудида уч миллион тупга яқин текак, тол, жийда ва тут кўчатлари экилди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Электрон сабоқдан дастур

Тошкент давлат техника университетидида «Еш дастурчилар маркази» иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа вақт оралиғида изланувчан талабалар «Е-сабоқ» деб номланган янги дастурни яратишга муваффақ бўлишди. Электрон кўрсаткичидаги бу дастур муҳим технологияни янгилик сифатида хорижий мутахассисларда ҳам қизиқиш уйғотди. «Е-сабоқ» нидерландиялик компьютер дастурчилари синовида ҳам яхши ўтди.

Ўз мухбиримиз.



Сирожиддин РАУПОВ, ҳуқуқшунос-журналист.

МАДАНИЯТ

янгиликлари

Ўзбекистон давлат консерваторияси Катта залида Ҳиндистоннинг давлат ва жамоат арбоби Лял Баҳодир Шастрининг хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

«Сангам»

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти томонидан ташкил этилган кечга мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, элчихона ходимларининг оила аъзолари, Ҳиндистонлик ишбилармонлар ва санъат иқлосмандлари келишди. Кеча аввалда Лял Баҳодир Шастри ҳақида илқ хотиралар ёдга олинди. Ҳинд ва ўзбек санъаткорларининг куй-қўшиқлари уйғунлаштирилган «Сангам» мусиқий дастури кечга ўзгача файз бахш этди.

Илмга интилганлар

Ёёёёёё қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ўтган йили Япония гранти лойиҳасига киритилди ва 800 миллион сўмликдан зиёд ўкув жиҳозлари билан таъминланди.



Айни пайтда маъзур ўкув даргоҳида 600 нафар ёш ҳисобчи, молия, хўжалик ҳуқуқ фаолияти сингари бир неча мутахассислик бўйича тахсил олаётган ўқувчиларнинг пухта билим олишлари ва фан сирларини мукаммал эгаллашлари учун барча қулайликлар яратилган. Спорт-соғломлаштириш хоналари, амалиёт хоналари, кутубхона ўқувчилар ихтиёрида.

Суратда: кутубхоначи Маъмура Юсупова ўқувчилар даврасида.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ёшлар ва қонун

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқори Чирчиқ тумани кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар жиноятчиликлари қарши» ширини остида «Ёшлар ва қонун» кўрик-танловини бўлиб ўтди.

Туман мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбирда воғга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида сўз юритилди. Ўттиздан зиёд жамоа иштирок этган ушбу тадбирда 26- мактабнинг «Адолат» жамоаси галиб бўлди.

— Энди «Адолат»чилар танловнинг вилоят босқичида туман ёшлари шарафини ҳимоя қилдилар, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раҳбари Л. Мансуров.

«Гўрўғли» чоп этилди

Ўзбек халқ достонларини севиб ўқимайдиган, Алломиш Ойбарчининг севишга ҳавас қилмайдиган ёшлар, Алломишнинг Бойчиборио Гўрўғлининг Фирқў отини орзуламайдиган йигитлар топилмас керак.

Мардлик ва жасурлик дostonи бўлиши «Гўрўғли» бир неча йиллардан бунён китоб ҳолида чоп этилмаган эди. Яқинда «Хоразм» нашриёти ижодий жамоаси хайри ишга қўл урди. Ун тўртта дostonи ўз ичига олган «Гўрўғли» дostonи бир неча минг нусхада чоп этилди. Уни Урганч давлат университети профессори Сафарбой Рўзимбоев нашрга тайёрлаган.

«Аждодлар ҳақида кўшук»

Ўзбекистон Бадий академиясида таниқли мўйқалам соҳиби Муборак Йўлдошевнинг «Дoston кўйичи» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Унда таниқли рассомлар, тасвирий санъат иқлосмандлари ва оммавий ақборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Кўргазмада рассомнинг «Аждодлар ҳақида кўшук», «Бизнинг замондош» ва «Тўй қачон?» сингари мавзулардаги 200 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Мавсувир асарларида юртимизнинг тарихий обидалари, халқимизнинг турмуш-тарзи гўзал бўёқларда акс этган.

Инглиз тили маркази

Асакада очилган инглиз тилини ўрганувчилар маркази шаҳар ёшларининг сеvimли даргоҳига айланди. Уч ой ичида инглиз тилини ўрганувчилар сони минг нафарга етди.

Бу ерда талабалар учун барча қулайликлар яратилганига сабабли шундай натижага эришилмоқда. Марказда икки ярим мингга ўқув ва бадий адабиётга эга бўлган кутубхона ишлаб турибди.

Хобарлари «Халқ сўзи» мухбири Мажжуда ХОЛМАТОВА ва ЎзДЖТУ талабаси Қобил ХИДИРОВ тайёрлашди.



СРНИ АЛДАГАН ЎЗИНИ АЛДАЙДИ

Халқимизда «Эртанинг ташвишини бугун қил», деган нақл бор. Бу деҳқонларга кўпроқ тааллуқли бўлса, ажаб эмас. Шу боис асл деҳқон етиштирган ҳосилнинг йиғиштириб олса-да, даласидан кетмайди. Ариқ-зювурларни тозалайди, энг асосийси, ҳосилдан бўшаган ерларни сифатли шудгор қилади. Минерал ва маҳаллий ўғит солиб, келгуси йил ҳосилига замин ҳозирлайди. Айни шундай тайёрларини Тошкент вилоятининг кўпгина хўжалиқларида кузатиш мумкин.

Режасиз иш — келтирар ташвиш

Бундай қоникарсиз аҳолини юқори унумли «Магнум» хайдов тракторларининг кунлик иш фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Маъзур тракторларнинг бир қулчи иш унуми ўртача 15 гектарни ташкил этиши лозим бўлгани ҳолда амалда Бўжа, Окўўрғон, Қўйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Пскент туманларида унинг ярами ҳам уйдара мансабдор. Охиқ-оқибатда бу кўрсаткич вилоят бўйича атиги 6,2 гектардан тўғри келган.

Шунингдек, шудгорлаш ишларининг белгиланган муддатларидан орқанда қолишга айрим туманларда ер ҳайдаш тадбирларига ўз вақтида киришилмаганини ҳам сабаб бўлган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори талабларига кўра, вилоят бўйича шудгорлаш ўтган йилнинг 5 ноябрдан бошланиб, 5 декабрда тугалланиши лозим эди. Амалда-чи? Пскент, Бекобод, Ўрта Чирчиқ туманларида 5 ноябр ҳолатига кўра, шудгорлаш тўлиқ бошланмади. Окўўрғон туманида эса ер ҳайдаш ишлари 13 ноябрдан киришилди.

Кузги шудгор даврида ерларни минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Барча туманларга «Қишлоқ-

хўжалиқимё» қорхоналари белгиланган миқдорда ўғитлар етказиб берган бўлишига қарамастан, ақсарият ширкат хўжалиқларида ерга минерал ўғитлар солинмаган. Хусусан, Окўўрғон, Бекобод, Бўжа, Пскент ва Янгиўй туманларига ажратилган 591 тонна аммофос ва 22 тонна калийли ўғит экинзорларга сепилмасдан, ҳамон хўжалиқлар оморларига сақлаб келинаётганлиги замирида нималар ётганини билиш қийин эмас.

Деҳқончилик — жуда нозик соҳа. Унга оид барча амаллар маромига етказилмас экан, қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Қўл учнда қилинган парваршиш, номингагина шудгорлаш ёки ўғитлаш билан киши ерни эмас, ўзини алдайди. Айрим МТП мутасаддилари бунини яхши анласалар-да, шудгорлаш сифатига масъулиятсизларча ёндашганлар. Оқибатда далалар белгиланган агротехника талабларига риоя қилинмасдан, шунчаки шудгор қилинган. Масалан, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги ва Тошкент аграр университетида қарашли ўқув-тажриба хўжалиқларида, Қўйи Чирчиқ туманидаги Навоий номили ширкат хўжалигида «Тинчлик» ширкат хўжалигида, Х. Турсунқулов номили ширкат хўжалигида,

Чиноз туманидаги «Чиноз» ширкат хўжалигида ҳамда «Сутобаёв» фермер хўжалигида ўнлаб гектар ер «Машина-трактор парклари» акциядорлик жамиятлари механизаторлари ва масъул шахсларининг эътиборсизлиги сабабли сифатсиз шудгор қилинганлигини аниқли билан таъкидлайми.

Устига устак, шудгорлаш белгиланган муддатларда ўтказилмаётганлигига моддий жавобгар ва масъул мансабдор шахслар ҳайдов тракторларининг эҳтиёт қисмларини талон-торож қилиб, улар яроқсиз ҳолатга келтирилаётганлиги ҳам сабаб бўлаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Чунончи, Пскент туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигига қарашли ҳайдов тракторининг 317 минг сўмлик, Я. Охунбоев номили ширкат хўжалигидаги тракторларнинг 399 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари талон-торож қилиниб, улар яроқсиз ҳолатга келтирилган. Худди шунингдек, Бекобод туманидаги «Ойбек» машина-трактор паркига тегишли «Магнум» русумли ҳайдов тракторининг 2,2 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги оқибатида яроқсиз ҳолга келиб қолган, табиийки, мавсумга жаб қилинмаган. Шу туманининг «Давтехназорат» инспекцияси

Қишининг қировли кунларидалаларни оппоқ қор оғушига олган эмасми, табиийки, бундай ҳолатда пайкалларда нима ишлар қилинган-қилинмаганини билиб бўлмайди. Лекин синчиклаб қарасангиз, гектар-гектар майдонлардаги гўзалпарак ёки бошқа ўсимликлар поянчининг серрайиб турганига кўзингиз тушади. Ҳўш, нега шундай?

Мўл ҳосил олишни кўзланган деҳқон борки, аввало, шудгорга эътибор қаратади. «Ер ҳайдасанг — куз ҳайда, куз ҳайдамасанг — юз ҳайда» деган нақлга амал қилса, қосаси оқаришини билади. Афсуски, ҳамма хўжалиқларда ҳам бу долзарб масалага етарли эътибор қаратилган эмас. Маълумки, деҳқонларга кўмак бериш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида 2004 йил 4 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йил ҳосили учун шудгорлашни ушшоққлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди. Ҳуқуқматининг маъзур қарори ижросини таъминлаган деҳқон, фермер, жамоа, ширкат хўжалиқлари ақли эртага мўл ҳосил етиштириши табиий. Бирок...

Тахлиллар шунини кўрсатадики, жойларда айрим туман ҳокимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, ширкатлар, «Машина-трактор парклари» акциядорлик жамиятлари ва бошқа мутасад-

Воқеа сабабларини ўрганиш учун

30 январда Ироқда бўлиб ўтган сайлов кунин Буюк Британиянинг С-130 ҳарбий-транспорт самолёти Багдоддан 40 километр узоқликда ҳалокатга учрагани...



Халокат сабабларини ўрганиш учун Бирлашган Қироллик ҳукумати Ироққа махсус мутахассисларини жўнатди.

Россия

иқтисодиётида ўсиш

Россия Иқтисодиёт вазирлиги берган маълумотга кўра, 2004 йилда мамлакат янги ички маҳсулот ҳажми 7,1 фоизга ўсган.

Президент Владимир Путин 2012 йилга бориб мамлакат иқтисодий ўсиш даражасини икки бараварга кўтариш лозимлигини таъкидлади.

Қуролалиш пойғасини бошлаши мумкин

АҚШ Мудофаа вазири Дональд Рамсфельд икки йилдан буён тўхтатиб қўйилган янги турдаги ядро бомбасини яратиш дастурини қайтадан давом эттириш тўғрисида кўрсатма берди.

Душанба кунин эстрада қироли Майкл Жексонга нисбатан айблов эълон қилинди.

Майкл Жексонга нисбатан айблов

Суднинг учинчи кунин бўлишига қарамадан суд ҳакамларининг



танлаш давом этмоқда. Таҳминларга қараганда, суд жараёнин ярим йилга чўзилиши мумкин.

Жексон ўзига қўйилган барча айбловларни инкор этганлиги, 200 нафарга яқин мухлислар ўз қўли билан ҳимоя қилиш мақсадида суд биносини ўраб олишди.

Пенсия таъминотини яхшилашга хизмат қилади


— Парламентимизнинг сўнгги сессиясида қабул қилинган «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга шу йилнинг 1 январидан амал қилиниши муносабати билан ушбу ҳужжатни қайтадан ўқиб чиқдим.

тушунтириб берди. Чунки менин ҳисобимга жамғариб бориладиган маблағдан фарзандларим, набираларим ҳам бемалол фойдаланиши мумкинлиги қонуннинг 5-моддасида кафолатланган.

даланиш масалалари билан Энергетика вазирлиги шугулланади. Кузатувчиларнинг фикрича, Американин янги турдаги атом бомбаси яратиш борасидаги тадқиқотлари дунёда қуролалиш пойғасинин яна авж олишига сабаб бўлиши мумкин.


Непалда фавқулодда вазият

Непал қироли Гьянендра амалдаги ҳукуматни истеъфога чиқарди ва мамлакатда фавқулодда вазият эълон қилди.



Қиролнинг фикрича, бош вазир Шером Бахадур Деуламаиятти. У маоистлик жангчилар ҳужумига нуқта қўя олмайпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Дунё шаҳарлари



Мадрид. Шаҳарнинг тарихий қисми.

Уяли телефон зарарлими?

Хар қандай мамлакат тараққиётини ахборот-технологиялари ривожини тасаввур қилиб бўлмайди. Дунёнинг қўнғилиқ ривожланган давлатлари қаторида мамлакатимизда ҳам мана бир неча йилларки, уяли алоқа ривожланиб бормоқда.

Шу муносабат билан профессор Стюарт бундай ускуналарнинг ёшлар соғлиги учун зарарли бўлишидан келиб чиқиб, болаларга уяли телефонлардан фойдаланишга руҳсат бериш масаласи ҳақида чуқур ўйлаб кўриш керак, деган фикр билдирди.

Европалик олимларнинг хулосаларини россиялик олимлар ҳам тасдиқлашмоқда. Россия бош санитар врачини Геннадий Ошншенко «Эхо Москвы» радиостанциясида берган интервьюсида, мобил телефонлар ҳақиқатан ҳам салбий таъсир кўрсатишини таъкидлади.

одам танасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Уяли телефонлардан фойдаланилганда, тўқинлар ҳужайраларга таъсир кўрсатади, бироқ одам танаси биринчи вақт ўтиши билан ҳужайралар қайта тикланиш хусусиятига эга.

АҚШнинг Балтимор, Филадельфия ва Нью-Йоркдаги судларидан эса уяли телефон операторлари ва ишлаб чиқарувчиларига нисбатан киритилган шикоятлар ўрганилмоқда.

Бу масала уяли алоқа тез ривожланиб бораётган Ўзбекистон учун ҳам долзарб бўлиб турибди. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда республикамизда 500 мингга яқин одам уяли алоқадан фойдаланади.

Айтиш лозимки, уяли телефонлар «душман»га айланмаслиги учун маълум қондаларнинг риоя қилиниши, фойдаланган ҳоли бўлиши, Энг аввало, уяли телефонда илҳом бориши қисқа муддат гаплашиш ва бундай суҳбатлар бир кунда 1-1,5 соатдан ошмаслиги лозим.

си доирасида уяли телефонларнинг тирик организм ҳужайраларига таъсирини бундан илҳомий тадқиқотлар ўтказди. Бунинг натижасида GSM стандартидаги уяли алоқа ускуналарини вужудга келтирадиган электрмагнит нурлар одам танасига генетик ўзгаришларга олиб келиши маълум бўлди.

тан киритилган шикоятлар ўрганилмоқда. Унда Verizon, Sprint, PCS Nextel Communications уяли алоқа операторлари ҳамда Motorola, Nokia ва Ericsson каби ишлаб чиқарувчиларини жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилапти.

Уяли телефонлар одам танасига қандай таъсир қилади? Маълумки, акустик сигналлар инсоннинг акустик асаб тизимида энгил формадаги шиллар вужудга келишига сабаб бўлади.

Шу муносабат билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам уяли телефонлар буйича ўтказилган юзлаб тадқиқотларни таҳлил этиб, маъруза қилишни режалаштирмоқда.

Advertisement for MS CONSULT, featuring text about ISO 9001 certification and contact information for the company.

Large advertisement for Uzdunrobota GSM services, listing various plans and prices for mobile phone usage.

Зоя Долженко:



«Ўзбекистондан зўр жой йўқ экан!»

Нихоят, Зоя Гавриловна сўнгги хулосага келди: ишдан бўшаб, паспортини рўйхатдан ўчириб, Москвага билет олди. «Янгийул» санаторийси директори Миродил Мирзахмедов ҳамма ўрганиб қолган мутахассис, қили энгил шифокор аёлга ҳар хил таклифларни айтиди. «Майли, сиз таътилга чикинг, муддати тугагандан сўнг ўз ҳисобингиздан дам олинг, уч ой, тўрт, ҳатто беш ой ўтин, ўшанда ҳам қайтиб келишга кўнглингиз бўлмаса, шовилинчнома берасиз — ишдан бўшаганингизни расмийлаштирамиз» деганда ҳам ўз сўзида қатъий турди. «Йўқ, бутунлай кета қолай, тўнчиқ ўглига ваъда берганман» дея рўзгордаги юкларига контейнер буюрди.

Бунга ҳаёт дейдилар. Инсон ўз ичидан ўтганини ўзи билди. Жамоадагилар Зоя Гавриловнанинг тўсатдан бундай қарорга келишидан жудаям ажабланидилар. Янгийулда ўли Олег ва келини билан осуда ҳаёт кечирар, бутун умрини одамлар дардига дармон бўлишга бағишлаган шифокор ҳар кунги эрталаб ишга ошиқиб келадиган кишилар тоифасидан эди. Киндик қони Фарғонага тўкилган Зоя Россиядаги тиббиёт институтида таълим олди. Хали талабалик даврида турмуш қуриб, илк фарзандига Игорь деб ном берди. 1961 йилда ўқини битирган, йўлланма билан Ўзбекистонга, Янгийул туманига ишга келди.

Қасбидан барака тоғди, туман марказий шифонасида узоқ йил ишлади. 1993 йилда Нов кишлоғидаги санаторийга таклиф қилишди. Зоя Гавриловнадан меҳр қуриб, дардига дармон топанлар жуда кўп эди. 2001 йилда унинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди: мамлакат Президентини Фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвони билан тақдирланди.

Наҳот, шунча эҳтиром қўрган инсон ёши ўтинки-

раб қолганда бошқа жойни истаб қолса?! Жамоадагилар Зоя Гавриловнани хурмат билан кузатиб қолишди. Бу тажрибали инсонга шогирдлик қилган баъзи ходимлар кўзларига ёш ҳам олишди.

— Афсус, сизларга «қўришгунча» дея олмаيمان, хайр, — деди Зоя Гавриловна томоғига бир нарсани тикилгандай энтикиб. — Агар йўлларингиз Калуга вилоятининг Обнинск шаҳрига тушса, меҳмоним бўлинглар, ўзбекча палов билан кутаман.

Санаторий ходимлари юкларни жўнатишга ҳам ёрдамлашди. Начора, тақдир. Пешонага ёзилгани бўлади.

Катта ўғил онаси кўчиб келганидан хурсанд бўлди. Атом энергияси тадқиқотчилари яшаётган бу шаҳарда ҳаёт ёмон эмасди. Игорь «Тезроқ онам шу ердаги санаторийга ишга жойлашволса, кўнгиш осон кечарди» деб ўйларди.

Келинг, воқеанинг давомини қаҳрамонимизнинг ўзини эшитайлик.

— Бордим, невараларим кучоқ очиб қўтиб олишди, — дейди Зоя Гавриловна. — Эрталаб уйқудан уйғонганимда юрагим шув этиб кетди: Э худойим, нималар қилиб қўйдим, деган надомат дилиمنى ўртарди. Қандай иссиқ жойимни совутдим-а. Ахир иккинчи ўғлим ўз олдимида эди-ку. Мени нима жин урди? Лекин ўзимни босдим. Шовма, Зоя, дедим ичимда, ҳаётининг оғир дамларига чидагансан, бу нима бўлибди, ўтиб кетади.

Обнинскда илгари Ўзбекистонда яшаган одамлар ҳам бор экан. Улар билан кўпроқ мулоқот қилардим. Барбир кўнглим ёришмади. Кўз олдимида менинг ҳаётимга қиришиб кетган одамлар кино лентасидай ўтаверди. Санаторийга зўра қўриб келиб, 15-20 кун ичиде соғайган одамларнинг юз-кўзларидеги қувонч менга кў-қудрат бўларди. Қани ўша туйғу? Айрим танишларимга кўчиб кетаётганимни айтмаган ҳам эдим. Қунда, кун ора йўқлаб туришган экан. Директоримиз уларга бор гапни айтмай, «Хабар олиб туринлар, келиб қолишлари мумкин» дея экан.

Энди нима қиламан? Ўзбекистонга қайтсам, барбир аввалги жойимга ишга олишмайди. Ахир улар билан умрбод қайрашган эдим-да. Ўғлим Игорь «Ойижон, келганингизга беш ой бўлай дегяпти, паспортингизни рўйхатга қўймайсизми?» деб сўраб қолди. Шовма, болам, сал ўзимга келиб олай, дедим.

Чидолмадим, Миродил Мирзахмедовичга телефон қилдим. Ҳеч бўлмаса, сим орқали тафтимин босмоқчи бўлдим. У кишининг кўнги-роқдай овозини эшитганда бутун Ўзбекистондаги яқинларимнинг ёруғ чеҳрасини кўргандай бўлдим. Кайфия-

тимни, ҳаёт тарзимни ҳафсала билан сўрадилар. Узимни қўлга олиб сўрашдим. Гап орасида бирдан «Агар қайтсам, ишга олармидингиз?» дедим. Директор мен учун қўтирмаганда: — Марҳамат, биз сизни кутаямиз, аввалги жойингизда ишлаверасиз, — деди.

Ҳаяжондан телефон гўшагини қандай жойига қўйганимни билмай қолдим.

Бўлди, Ўзбекистонга, йиллар мобайнида мени қафтида кутарган инсонлар бағрига қайтсаман. Бу фикримдан ўғлим, оила аъзолари ажабланишди. «Нима, биз сизни ҳафа қилиб қўйдикми?» деб сўрашди. Йўқ, мингдан-миг розиман. Мен учун Ўзбекистондан зўр жой йўқ экан. Юкларни йиштирилган дедим.

Бу шаштимдан қайтмаслигимни тушунишди. Шу дамда Игорь бир нарсани ўтиниб сўради: — Ойижон, ўзингизга қаер маъқул бўлса, ўша ерда яшанг, лекин битта ўтиниб бор.

— Нима эди?

— Ўзбекистон Президентини сизга олий мукофоти топшираётган пайтда туширилган суратни бизга ташлаб келинг. Дўстларимга, қўни-қўшиларга менинг шундай онам бор, деб қурурланаман.

лишингизни сезардик» дейишди. Директор бу дийдорлаш оғиде табасум қилиб турарди. Бехи-тиёр менинг ўрнимга ишга ўтган Галинани қидирдим. Унинг олдиде ўзимни гуноҳкордай сезардим, Галина сотиқ чеҳраде мени қучоқлаб олди.

— Марҳамат, мен аввалги жойимда ишлавераман, ўз хонангизни ағалланг, — деб менга қалити тўтқазди.

Ҳеч гап айтмадим. Ахир жамоада шундай муҳит яратилиши учун неча йиллар керак бўлганди. Шундай меҳрибон инсонлар билан ҳамнафас бўлганимни кейин тушуниб етдим. Сўз билан ифодалаб бўлмас меҳр-оқибат шунчалар оҳанграб экан. Бижизга 2004 йилга Мехр ва муруват йили деб ном берилмаган экан. Уйлайманки, фақат эзгу ниятларни қўнглига тўккан халқ бундай хис-туйғуларни қалбиде умрбод асради. Сихат-саломатлик йилида ҳам, ундан кейин ҳам меҳр ва муруват қўсак қалдранаверсин. Мен бунини ўз ҳаётимда англаб етдим-ку. Ҳеч ким ўз тўғилган ошанидан айрилмасин. Ватан қадри ундан узоқлашганда билинар экан. Мен бу сўзни баралла айтгим келди. Ўзбекистон шундай аjoyиб, бағри кенг улқак, унинг қадрига етмаганлар кечирилмас хато қилди.

Хозир Зоя Гавриловна қардон даргоҳида ишламоқда. Уни йўқотиб қўйганлар «Таътилгиз чўзилиб кетмадингизми?» деб сўрашади. Опахон сир бой бермай: «Ўғлимнинг олдига борганим» деб қўнғиде. Майли-да, ҳар ким ўз Ватанини шундай эъзозласа, қадрига етса, унинг нимаси ёмон!

Шухрат ЖАБОРОВ.

— Ўзбекистон Президентини сизга олий мукофоти топшираётган пайтда туширилган суратни бизга ташлаб келинг. Дўстларимга, қўни-қўшиларга менинг шундай онам бор, деб қурурланаман.

— Марҳамат, биз сизни кутаямиз, аввалги жойингизда ишлаверасиз, — деди.

— Ойижон, ўзингизга қаер маъқул бўлса, ўша ерда яшанг, лекин битта ўтиниб бор.

Шухрат ЖАБОРОВ.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ГАЛЛАБАНК»нинг

1 000 000 донга эгаси ёзилган имтиёзли ва 9 000 000 донга эгаси ёзилган оддий, нақд шаклдаги акцияларининг Х-эмиссия якуни тўғрисида

ҲИСБОТ

Қимматли қоғознинг тарқатилиши:

- бошлаш вақти — 2004 йил 29 июнь;
- якунлаш вақти — 2005 йил 31 январь.

Барча турдаги акциялар бўйича бир акциянинг номинал қиймати — 100 (бир юз) сўм.

Сотилган барча акциялар сони — 10 000 000 донга, шу жумладан:

- 900 000 000 сўмлик эгаси ёзилган 9 000 000 донга оддий акциялар;
- 100 000 000 сўмлик эгаси ёзилган 1 000 000 донга имтиёзли акциялар.

Акциялар чет эл валютасига, моддий бойликларга, номоддий активларга, учинчи шахсларнинг белгиланган маълум нархли қимматли қоғозларига айрибошлаш йўли билан сотилади.

Сотилган акциялардан тушган умумий маблағ 600 110 700 (олти юз миллион бир юз ўн минг етти юз) сўм. Қолган фарқи эса капитализация ҳисобига жойлаштирилган.

Акцияларни сотиш жараёнида воситачилар жалб қилинмади.

Муомалага чиқарилган акциялар нақд шаклда (акция сертификати) бўлиб, сертификат бланкалари банк газнасиде сақланади, банкнинг барча эмиссия акциялари Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида ҳисобга олинган.

Мақсуд чиқарилиш бўйича сотилмаган акциялар мавжуд эмас.

РАТБ «Галлабанк» акциядорлари диққатига!

Мухим фактлар тўғрисида 05-сонли маълумот

Банк кенгашининг 2005 йил 31 январдаги 11-сонли йиғилиш баённомасига асосан банкнинг эгаси ёзилган имтиёзли акцияларига 2004 йил учун иккинчи оралик дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

2004 йил учун иккинчи оралик дивидендларни олишга ҳақли бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 31 декабрь ҳолатига тузилди.

Банкнинг эгаси номи ёзилган имтиёзли акциялари бўйича Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир акциянинг номинал қийматига нисбатан 8 фоиз микдорда белгиланиб, ушбу акциялар бўйича дивиденд тўловлари пул маблағи шаклида амалга оширилади.

Эълон қилинган дивидендларга даромад солиғи ҳисобга олинмаган.

Ҳеч ким ўз тўғилган ошанидан айрилмасин. Ватан қадри ундан узоқлашганда билинар экан.

Бир-икки кундан кейин шаҳардаги «Сигнал» корхонасига қарашли санаторийга бордим. Сихаттоқ озода, шоритларни ҳам дуруст. Рози бўлишса, шу ерда ишламоқчи эканлигимни айтдим. У ердаги одамларга ҳеч қандай эътирозим йўқ, мен билан ахши гаплашишди. Санаторийдаги иш тартиби мени ажаблантирди. Шундай катта даргоҳда бор-йўғи битта илҳам ЭКГ ускунаси ўрнатилган. Биохимик таҳлил қилишнинг илҳожий йўқ. Янгийулда эса тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини ифо-

«Ватан гурури» танловига

Обнинскда илгари Ўзбекистонда яшаган одамлар ҳам бор экан. Улар билан кўпроқ мулоқот қилардим. Барбир кўнглим ёришмади. Кўз олдимида менинг ҳаётимга қиришиб кетган одамлар кино лентасидай ўтаверди. Санаторийга зўра қўриб келиб, 15-20 кун ичиде соғайган одамларнинг юз-кўзларидеги қувонч менга кў-қудрат бўларди. Қани ўша туйғу? Айрим танишларимга кўчиб кетаётганимни айтмаган ҳам эдим. Қунда, кун ора йўқлаб туришган экан. Директоримиз уларга бор гапни айтмай, «Хабар олиб туринлар, келиб қолишлари мумкин» дея экан.

Энди нима қиламан? Ўзбекистонга қайтсам, барбир аввалги жойимга ишга олишмайди. Ахир улар билан умрбод қайрашган эдим-да. Ўғлим Игорь «Ойижон, келганингизга беш ой бўлай дегяпти, паспортингизни рўйхатга қўймайсизми?» деб сўраб қолди. Шовма, болам, сал ўзимга келиб олай, дедим.

Чидолмадим, Миродил Мирзахмедовичга телефон қилдим. Ҳеч бўлмаса, сим орқали тафтимин босмоқчи бўлдим. У кишининг кўнги-роқдай овозини эшитганда бутун Ўзбекистондаги яқинларимнинг ёруғ чеҳрасини кўргандай бўлдим. Кайфия-

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25

132-10-63

242-хона

Email: xalk@uznet.com.uz

The Embassy of Switzerland in Tashkent has a challenging opening for a **Desk Officer / Translator**

General

The Swiss Embassy in Tashkent is looking for a new colleague having experience in the field of culture, media affairs, education, who has worked as a translator (Russian/Uzbek/English), and who knows how to handle projects.

Main tasks and duties:

- Press review and handling of media issues
- Assistance in planning and implementation of cultural events
- Oral / written translation in Russian, Uzbek and English
- Various secretarial tasks

The candidate should have:

- Good communication skills, be open-minded and a team-player
- Experience as a translator and desk officer
- Writing/reporting skills
- Excellent knowledge of Russian/Uzbek/English (oral and written)
- Computer skills (word/excel)

Hand-written applications (inclusive full CV in English) should be sent to the Embassy of Switzerland in Tashkent, attention to the Head of Chancery. No correspondence will be exchanged during the selection period. The Embassy of Switzerland in Tashkent will only contact short-listed candidates.

The deadline for application to be received is: 28th February, 2005

No applications will be considered after this deadline.

Address: Embassy of Switzerland, Usman Nosir 1/4, 700070 Tashkent

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИНИНГ

«O`ZTEMIROYO`LYO`LOVCHI» OAJ

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР БИЛАН ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙЛАБ ТАШИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ ИМКОНЯТИГА ЭГА.

ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ ЙИЛЛИК ВА БИР МАРТАЛИК ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БЎЙИЧА ЙЎЛОВЧИ ВА ШАХАР АТРОФИГА ҚАТНОВЧИ ПОЕЗДЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХОШИМГА ҚЎРА ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БИРОР КИШИГА ЁКИ ТАЛАБ ҚИЛВЧИ НОМИГА ЁЗИБ БЕРИЛИШИ МУМКИН.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700060, Тошкент шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 34-уй. Телефон: +38-82-20.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2004 йил 9 декабрь 248-Н сонли, «Усувтаъмирқойдаланиш» Республика бирлашмасининг 2004 йил 13 декабрь 110-сонли буйруқларига асосан, Бухоро вилоятда

«ВИЛОЯТЛАРАНО «ЎНГ ҚИРФОК»

БОВУРИДАН ФЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ» тузилди.

Янги тузилган ташкилотга раҳбар (бошлиқнинг биринчи ўринбосари, бошлиқ ўринбосари ва бош ҳисобчи) лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Танловда иштирок этиш учун ҳар бир номзод меҳнат фаолияти тўғрисида маълумотнома, шахсий варақа, таржима ҳол, диплом (дипломлар) нусхаси, тафсинома, тақризлар, тавсияномалар тақдим этиши лозим. Бундан ташқари номзод камида 10 йил сув ҳўжалиги соҳасида раҳбар лавозимларда ишлаган ҳамда мутахассислиги бўйича мундас-гидротехник бўлиши шарт.

Ушбу танлов қўйиладиган шартлар бўйича қўйиладиган шартлар: Тошкент шаҳри, Машҳад тўғрисида, Ҳ. Раҳимов кўчаси, 1-қў. (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан).

Маълумот учун вазирликнинг қўйиладиган шартларига қўйиладиган шартлар: Тошкент шаҳри, Машҳад тўғрисида, Ҳ. Раҳимов кўчаси, 1-қў. (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон «Сифат» маркази жамоаси сертификатлаш бошқармасининг бошлиғи Аҳдулло Норматовга падари бузруквор	«Муштур» журнали таҳририяти жамоаси журналисти собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси
ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР ТАЪЗИЯ ИЗОХ ЭТАДИ.	МИРМУҲСИНИНГ
МАХМУДЖОН ОТАНИНГ	ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР ТАЪЗИЯ ИЗОХ ЭТАДИ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маълумуряти Ўзбекистон халқ ёзувчиси	Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Республика радиоси жамоаси «Ёшлар» канали мутахассиси Шоида Абзалова ва РРОЕУ оператори Барно Абзаловларга отаси
МИРМУҲСИ МИРСАИДУНИНГ	ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР ТАЪЗИЯ ИЗОХ ЭТАДИ.
ВАФОТ ЭТТАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МИРМУҲСИНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ВА ЯҚИНЛАРИГА ЧУҚУР ТАЪЗИЯ ИЗОХ ЭТАДИ.	БАҲОДИР АКАНИНГ
	ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР ТАЪЗИЯ ИЗОХ ЭТАДИ.
	«АЛ-ВАЗИР» ҲФ жамоаси фирма бош директори Алишер Абдуллаева акиси
	АКРОМ АБДУЛЛАЕВИНГ
	ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР ТАЪЗИЯ ИЗОХ ЭТАДИ.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОҶОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газеткхонлар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатда олинган.

Буюртма I — 162, 32737 нусхала босилган, ҳақми — 2 рубоқ. Объект усулида босилган.

Қоғоз бичими А-2

Газета ИВМ компьютерлаш терлиди ва операторлар Жамоаси Тоғус ва Баҳодир Файзов томонидан сақлалади.

Таҳририятда ҳақми 5 доғадан зиёд материал қабул қилинмайди.

Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — В. Эгамқулов. Навбатчи — З. Апурова. Мусаҳҳих — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Тўрон» кўчаси, 41. ҲА якуни — 21.00 Топшириди — 21.10 23456